

Кирғизистон Қамбар-Ота ГЭСи қурилишига Ўзбекистонни жалб қилиш ниятида

Кирғизистон кучланиши бўйича Тўқтогул электр станциясидан бир ярим баравар кучлироқ бўлган Қамбарота-1 ГЭСини мустақил равишда қуришга тайёр. Бироқ, Бишкек лойиҳага чет эл инвесторларини, шу жумладан, Ўзбекистонни ҳам жалб қилиши мумкинлигини истисно қилмайди. ТОШКЕНТ, 25 фев - Sputnik. Кирғизистон энг йирик Қамбар-Ота ГЭСи қурилишини мустақил равишда бошлаш ниятида. Биринчи навбатда республика ГЭС қурилиши учун барча керакли инфраструктурани тайёрлаб қўймоқчи: автомобил йўллари ва бошқа комуникациялар. Чет эл инвесторлари қаторида Ўзбекистон ҳам бўлиши мумкин, деб хабар беради Sputnik Кирғизистон Миллий энергетика холдинги раҳбари Айтмамат Назаровга таяниб. Расмийнинг сўзларига кўра, хозирда техник-иктисодий асослаш тайёрланиб, бир қатор инвесторлар ва халқаро молия институтлари билан музокаралар олиб борилмоқда. Хусусан, ушбу лойиҳада Ўзбекистон ва Қозоғистон вакилларининг иштироки муҳокама қилиниши режалаштирилган.

"Менимча, биз яқинда лойиҳанинг бошланиши ҳақида эълон қиласиз. Биз унга миллий мақом берилишини хоҳлаймиз. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 1,86 ГВт кучланишда 6 миллиард киловатт-соатни ташкил этади. Ҳозирча биз кимни инвестор бўлишини кўриб чиқмоқдамиз, лекин аввал лойиҳани ўзимиз бошлаб инфратузилмани қурмоқчимиз - йўллар, туннеллар, кўприклар ва қурилиш майдончасини тайёрлаш," - деди Назаров.

2017 йилда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев республика Қамбар-Ота лойиҳасини амалга оширишда иштирок этишга тайёрлигини билдирган, аммо аниқ муддатлар, шунингдек ГЭСнинг қайси босқичи хусусида гап кетмаган. Ҳозирча Ўзбекистон томонидан ушбу масала бўйича изоҳ олинмаган.

Янги станция Токтогул ГЭСига қараганда бир ярим баравар кучлироқ бўлади. CASA-1000 лойиҳасига уланган тақдирда, станциянинг харажатларини қопланиши муддати 12 йилни ташкил этади. Лойиҳани ишга тушириш 2012 йилда, "Интер РАО" ОАЖ билан шартнома имзоланганида режалаштирилган эди. Бироқ, 2015 йилда Кирғизистон ҳукумати бирданига икки энергетик битимни денонсация қилиш ташаббуси билан чиқкан.

манба:<https://sputniknews-uz.com/economy/20200225/13533591/iriziston-zbekistonni-ambar-Ota-GESi-urilishiga-zhalb-ilish-niyatida.html>